


3-25-2020

## TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN

Hulkar Mirzaxmedova Chair manager, an Associate professor  
*Tashkent State Institute of Oriental Studies*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Mirzaxmedova, Hulkar Chair manager, an Associate professor (2020) "TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 8.  
DOI: 10. 36078/987654424  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Хулкар Мирзахмедова

Тошкент давлат шарқшунослик институти эрон-афғон филологияси кафедраси мудири, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

### ФОРС ТИЛИДА АСЛ ЭРОНИЙ ЛЕКСИКА ТАРКИБИДАН ЯСАЛГАН ТЕРМИНЛАР

#### АННОТАЦИЯ

XX асрда илмий ва техникавий термин ва тушунчалар бирдек юксак оқим билан ривожланди. 30-йилларга келиб ҳам Европа, ҳам Шарқ мамлакатларида бирваракайига терминология соҳасини ўрганиш бўйича ҳаракатлар бошланди. Шарқ мамлакатларида худди шу вақтда терминологияга ўзгача услубда ёндашилди. Яъни тилнинг ижтимоий функциясини сақлаб қолишга уриниш ҳаракатлари авж олди.

Эронда 1906-1911 йилларда бўлиб ўтган “Конституцион инқилоб” натижасида форс тилига кучли оқим билан ўзлашмалар кириб келди ва ўзлашди. Анча вақт давом этган бу ҳаракатлар зиёлилар орасида табиий норозиликларнинг кучайишига сабаб бўлди. Бундай шароитда форс тилидаги бетартиб ҳолатнинг олдини олиш ва кечаётган жараёнларни тартибга солиш бўйича тил ислоҳоти ўтказилиши лозим бўлиб қолди: араб ва бошқа тиллардан кириб қолган ўзлашмаларни форс тили лексикаси таркибидан чиқариб ташлаш, ўрнига тилнинг ички имконияти доирасида муодил тақдим қилиш ҳамда тилнинг софлигини сақлаб қолиш учун ҳаракатлар бошланди. Яъни, 1936 йили биринчи – *فرهنگستان ایران* *farhangeštān-e irān* “Эрон академияси”, 1968 йили иккинчи – *فرهنگستان زبان ایران* – *farhangeštān-e zabān-e Irān* – “Эрон тили академияси”, 1991 йили учинчи – *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران* – *farhangeštān-e zabān va adabeyāte Irān* – “Форс тили ва адабиёти академияси” ташкил этилди.

Ҳозирги кунда учинчи Академия барча

## Hulkar Mirzaxmedova

Tashkent State Institute of Oriental Studies Chair manager of Iran-Afghan Philology PhD, an Associate professor of TSIOS

### TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN

#### ANNOTATION

In the twentieth century, scientific and technical terms and concepts developed along with the great current. Closer to the 30s, attempts to study the field of terminology began in both European and Eastern countries. In eastern countries at the same time there was a specific approach to terminology. Attempts to preserve the social functions of the new language swelled. As a result of the "Constitutional Revolution" of 1906-1911 in Iran, foreign language voyages joined and borrowed into the Persian language in a huge wave. These lengthy movements have contributed to increased dissatisfaction and opposition among the intelligentsia. Under such conditions, it was necessary to prevent the promiscuous state of the Persian language and to carry out language reform to streamline the ongoing processes: to eradicate Arabisms and borrowings from other languages of the Persian language, which came from other languages, based on the internal capabilities of the language to represent a synonym, and to start new attempts to preserve the purity of the language. That is, in 1936 the first – *فرهنگستان ایران* *farhangeštān-e irān* “Iranian Academy” was created, in 1968 the second – *فرهنگستان ایران زبان* *farhangeštān-e zabān-e irān* 1991 *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران* *farhangeštān-e zabān va adabiyāt-e irān* “Academy of Persian Language and Literature”.

Today, the third Academy conducts its activities offering Persian equivalents to borrowings from all areas. This organization has created its development “Methods and rules for the selection of words”. To preserve the purity of

соҳаларда мавжуд ўзлашмаларга форсий эквивалент таклиф қилиш учун фаолият юритмоқда. Бу ташкилот ўзининг اصول و ضوابط و اژہ گزینی “Сўз танлашнинг усул ва қоидалари” йўриқномасини ишлаб чиққан. Форс тилининг софлигини сақлаб қолиш учун бир қанча таклифлар киритилган. Унга мивофик, эроний тилларда мавжуд бўлган сўзларни фаоллаштириш ва улар ёрдамида ўз қатлам терминларини яратишни йўлга қўйиш самараси кутилмоқда.

Мақолада Эронда ташкил этилган тил академияси ва унинг фаолияти давомида юзага келган терминлар, айниқса, эроний тиллар луғат таркибидан ясалган терминларнинг деривацион таҳлили амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** термин, терминология, форс тили, академия, термин ясашиши, асл лексика, аффиксация, ярмааффиксация.

## КИРИШ

Терминологиянинг тараққий этиши халқ тафаккурининг маҳсули, яъни умумистеъмолдаги лексика билан узвий боғлиқ. Умумлексика янги терминлар ҳосил бўлишининг асосий манбаи ҳисобланади. Ўз навбатида, терминология ҳам умумлексиканинг бойишида ўзига хос ўринга эга. Умумлексика билан терминологик лексика бир-бири билан қанчалик мустақкам алоқада бўлиб ривожланса, терминологиянинг ўзи ҳам шунчалик автоном тарзда бойиб бориши кузатилади.

XIX асрнинг сўнгги чорагида Эронда ҳукмрон бўлган Қожорлар сулоласи марказлашган давлат тузиш, мамлакат чегарасини аниқ белгилаб олиш, давлат апаратини европалашган тизимга хос тарзда шакллантиришга ҳаракат қилганлигини кузатиш мумкин [Арабаджан З., 1991; 98]. Бу вазифаларни амалга ошириш учун биринчи навбатда, ҳарбий соҳа вакилларини, қолаверса, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш мақсадида талабалар ғарб мамлакатларига ўқишга юборилди. Натижада, форс тили лексикаси инглизча, қолаверса, французча сўзлар билан бойиб борди.

1906–1911 йиллари Эронда бўлиб ўтган “Конституцион инқилоб” натижасида форс тилига кучли оқим билан неологизмлар кириб келди ва ўзлашди. Оқибатда форс тилида “сўз етишмовчилиги” бошланди [Пейсиков Л., 1975; 139]. 15-20 йил давом этган бу ҳаракатлар зиёлилар орасида табиий норозиликларнинг кучайишига сабаб бўлди.

Бундай шароитда давлат тилидаги бетартиб ҳолатнинг олдини олиш ва кечаётган жараёнларни тартибга солиш бўйича тил ислоҳоти ўтказилиши лозим бўлиб қолди: араб ва бошқа тиллардан кириб қолган ўзлашмаларни форс тили лексикаси таркибидан чиқариб ташлаш, тилнинг ички имконияти доирасида эк-

Persian vocabulary, a number of proposals have been made. According to him, the activation of words existing in Iranian languages was expected, and with their help to establish the creation of industry-specific terms. The article is about an academy created in Iran, a derivational analysis of terms formed in the process of its activity, in particular terms formed from the vocabulary of Iranian languages, is also made.

**Key words:** term, terminology, the Persian language, academy, term formation, affix, semi-affix.

вивалент келтириш ҳамда тилнинг софлигини сақлаб қолиш мақсадида 1936 йили биринчи – *فرهنگستان ایران farhangestān-e irān* – “Эрон академияси”, 1968 йили иккинчи – *فرهنگستان زبان ایران farhangestāne zabān-e irān* – “Эрон тили академияси”, 1991 йилда учинчи – *فرهنگستان زبان و ادبیات ایران farhangestān-e zabān va adabeyāte Irān* – “Форс тили ва адабиёти академияси” ташкил этилди. Бу академияларнинг асл мақсади ҳам аввалдан тилда қўлланиб келинган сўзларни фаоллаштириш эвазига форс тилининг мавқеини сақлаб қолиш бўлган.

### ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАСИ

Асосий кўзланган мақсад – форс тили лексикасида аввалдан қўлланилган, ҳозирги кунда форс тили Академияси томонидан қайтадан маълум бир терминни англиштирилган эроний лексика таркибидан ясалган терминларнинг структур-семантик таҳлилини амалга оширишдан иборат. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- академия тақдим қилган терминлар ичидан асл эроний сўзлар асосида яратилган сўзларни ажратиб олиш;
- асл эроний сўзларнинг этимологик асосини изоҳли луғатлардан текшириш;
- таклиф қилинган терминларнинг ясалиш усули ва маъно чегараларини аниқлаш;
- таклиф қилинган терминлардаги фаол ва нофаол аффикс (яримаффикс) ларни аниқлаш.

**Усуллар.** Тадқиқот усуллари сифатида таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

### НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Дунё терминологиясида терминларни танлаш ва уларни стандартлаштиришга бўлган эҳтиёж муҳандислик терминлари, шунингдек, кимёвий ва биологик моддалар, хусусан, дори-дармонларни стандартлаш бўйича талаблар билан бевосита боғлиқ бўлган. Эронда терминлар билан шуғулланиш мақсадида “Эрон академиялари” ташкил этилган.

Академияларнинг бош мақсади – нафақат ўзлашмаларни форс тилидан сиқиб чиқариш, балки тилга сингиб улгурган арабий ва туркий сўзларни ҳам форсий вариантлари билан алмаштиришдан иборат эди. Шу мақсадда, энг аввал, жой номлари (топонимлар), қолаверса, лексиканинг фаол нутқ катламига оид сўзлар форсийлаштирилди:

арабий *ناصرى Nāseri* ўрнига *اهواز Ahavāz*;

туркий *قراچه داغ qarāchedāγ* ўрнига *ارسباران Arasbārān*;

туркий *قرل اوزن qerl uzan* ўрнига *سفیدرود Sefidrūd* (дарё);

туркий *قره غان qarāγān* ўрнига *سیاه دشت Siyāhdašt*,

туркий *قره گل qarēgol* ўрнига *سیاه گل siyāhgoḡol* каби қатор ўзгаришлар бўлди

[Farghangestan-e Iran.; 2009; 39]. Бу географик жой номлари биринчи Академия давридан бошлаб форс тилида қўлланиб келинган.

Маҳаллий жой номларининг ўзгартирилиши билан бирга баъзи темир йўл

ва порт бекатлари номларига ҳам ўзгартириш киритилди. Масалан:

قره سو – *qaresu* ўрнига سیاه آب – *Siyāhāb* (Шимолий термир йўл линиясининг 2-бекати номи);

صالح آباد – *Sālehābād* ўрнига اندیمشک – *Andimašk* (Жанубий темир йўл линиясининг 41-бекати номи);

اشرف – *Ašraf* ўрнига بهشهر – *Behšahr* (Шимолий термир йўл линиясининг 6-бекати номи);

رحیم آباد – *Rahimābād* ўрнига پرندک – *Parandak* (Жанубий термир йўл линиясининг 6-бекати номи);

حشمت آباد – *Hašmatābād* ўрнига رودک – *Rudak* (Жанубий термир йўл линиясининг 27-бекати номи);

محسن آباد – *Moxsenābād* ўрнига سیمین دشت – *Simindāšt* (Шимолий термир йўл линиясининг 24-бекати номи);

احمد آباد – *Ahmadābād* ўрнига نادر – *Nādež* (Жанубий термир йўл линиясининг 10-бекати номи);

عباس آباد – *Abbāsābād* ўрнига ورسک – *Varsak* (Шимолий термир йўл линиясининг 18-бекати номи) ва бошқалар.

Эронда биринчи Академия тузилгунга қадар ҳам ўзлашмаларга форсий муодилларни таклиф қилиш ишлари олиб борилган эди. Масалан, هواپیما *havāpeymā* – ‘самолёт’ термини учун форс тилида французча “*avion*” ўзлашмаси ишлатилган. Форс тили француз ўзлашмага муодил таклиф қилишда ички имконияти нуқтаи назаридан ёндашган (هوا *havā* ‘ҳаво’ ва پیما – *peymā* – *peymudan* ‘юрмоқ’, ‘ўтмоқ’ феълининг ХЗНдан ҳосил қилинган) ва янги термин яратишнинг уддасидан чиққан. فرودگاه – *forudgāh* ‘аэропорт’ (فرود – *forud* ‘пастлашиш’, ‘тушиш’ ва گاه – *gāh* исмий яримаффикси) французча ‘*aerodrome*’, инглизча ‘*airport*’; هوانورد – *havānavard* ‘космонавт’ (هوا *havā* ‘ҳаво’ ва نوردیدن *navardidan* ‘айланмоқ’, ‘ўралашмоқ’ феълининг ХЗН) французча ‘*aeronaute*’; هواسنج – *havāsanj* ‘барометр’ (هوا *havā* ‘ҳаво’ ва سنج – *sanj* – *sanjidan* ‘ўлчамоқ’, ‘баҳоламоқ’, ‘солиштирмоқ’ феълининг ХЗН) французча ‘*aerometre*’; بادسنج – *bādsanj* ‘анемометр’ – шамол тезлигини ўлчаш асбоби, (باد – *bād* ‘ел’, ‘шамол’ ва سنج – *sanj* – *sanjidan* ‘ўлчамоқ’, ‘баҳоламоқ’, ‘солиштирмоқ’ феълининг ХЗН) французча ‘*anemometre*’; خلبان – *xolbān* ‘лётчик’, ‘учувчи’ (خل – *xol* ‘узун таёқ’ ва بان – *bān* касб-кор номини ясовчи аффикс) французча ‘*pilote*’; آتشبار – *ātašbār* ‘батарея’ (آتش – *ātaš* ‘ўт’, ‘олов’ ва بار – *bār* ‘юк’) французча ‘*batterie*’ каби терминлар форс тили имконияти доирасида ясалган ва улар ҳамон тилда қўлланмоқда.

Вақт ўтган сайин барча соҳаларда терминларни қўллашга доир масалалар юзага чиқа бошлайди. Ҳозирги кунда фаолият юритаётган учинчи Академия барча соҳаларда мавжуд ўзлашмаларга форсий эквивалент таклиф қилиш билан шуғулланмоқда. Бу ташкилот ўзининг اصول و ضوابط و آژہ گزینی – *osul va zavābet-e vāžegozini* – “Сўз танлашнинг усул ва қоидалари” йўриқномаси (кейинги ўринларда – Йўриқнома)ни ишлаб чиққан [Osul va zavabet-e vajegozini, 2009; 133].

Академия Йўриқномасининг 3.2.бандида “Танланаётган сўз эроний тиллар гуруҳига оид тирик тил ва лаҳжалардан олиними лозим”лиги белгилаб қўйилган. Умумтилдаги сўзларнинг терминга айланиш жараёни кам тадқиқ этилган ҳамда

хамон тўлиқ ўз ечимини топмаган масалалардан биридир.

Аввало шуни қайд этиш керакки, термин ҳосил бўлиш жараёнлари маълум бир халқнинг миллий-специфик ҳолатларига ҳам боғлиқ. ISO 704 Халқаро стандартида эса “ҳар бир тил ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўша тил учун ўз стандартини ишлаб чиқиши мумкин”лиги қайд этилган [Terminology work, 2000; 19]. Қолаверса, умумий лексика таркибидаги сўзнинг терминга айланиши ва янги маънога эга бўлиши ҳар бир тилда учраши мумкинлиги борасида ҳам кўрсатма берилган.

Форс тили терминларини ҳосил қилишда тилнинг ички ресурслари, яъни сўз яшаш усулларининг мавжудлиги қанчалик аҳамиятга эга бўлса, тилда мавжуд сўзлардан термин яшаш шунчалик аҳамиятга молик. Чунки форс тилида сўз яшаш моделлари анча турғун ҳамда имконият доираси кенг бўлганлиги сабабли, термин яшаш қоидаларига мос келади ва янги тушунча ҳамда ҳодисаларни номлаш учун термин яратиш ишларини анча енгиллаштиради. Тилда аввалдан мавжуд сўзлардан термин ҳосил қилиш эса миллий тилни сақлаб қолишга қаратилган йўналишлардан биридир.

Чунончи, ҳозирги кунда форс тилининг илмий-техник терминологияси, жумладан транспорт терминологияси ҳам тилда мавжуд бўлган лексик бирликларнинг маъносини кўчириш йўли билан яратилган терминлар ҳисобига тўлдириб келинмоқда. Улар терминологик луғатларнинг маълум қисмини ташкил қилади. Тил вакилларига аввалдан маълум бўлган айна лексема бирор соҳада янги термин сифатида юзага чиқади.

Йўриқномада бир сўз ёки иборани шу кунгача форс тилида қўлланилиб келинаётган сўзлар ва иборалар ичидан “танлаб олмоқ” лозимлиги борасида кўрсатмалар мавжуд. Мисол сифатида *واک* – *vāk* қадимги форс тилида ‘айтмоқ’, ‘демоқ’, ‘гапирмоқ’ маъносида қўлланилувчи сўздан *واکه* – *vāke* – ‘унли товуш’, *بی واک* – *bivāk* ‘жарангсиз’, *واک دار* – *vāk dār* ‘жарангли’ каби бир қатор ясама терминлар ясалганлиги келтирилади. Шунингдек, мазкур *واک* *vāk* сўзининг фонетик ўзгарган *واج* *vāj* – варианты ‘фонема’ терминига тенглаштирилди ва тасдиқланди. Мазкур термин билан ясалган бир қатор ясалмалар ҳам тилда ўз ўрнини топган. Масалан, *واج شناسی* – *vājšenāsi* ‘фонетика’, *واجی* – *vāji* ‘фонемага оид’, *واجگونه* – *vājgune* ‘аллофон’ кабилар. Мазкур терминлар тилшунослар томонидан қўлланилади.

Шу каби ҳаракатлар терминларни синхрон ва диахрон аспектда ўрганилишига замин яратади. Ўз-ўзидан, бу жараён мазкур пластда ўз қатлам ҳамда ўзлашма қатлам масаласининг уйғонишига сабаб бўлади. Академиянинг Йўриқномасида “...термин яшашда форс тили таркибида мавжуд бўлган, аввалдан тилда қўлланилган сўзларни танламай илож йўқ. Улар, ўз навбатида, назарда тутилаётган тушунчани англаган тақдирда улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ”, – деган қайдлар мавжуд [Osul va zavabet-e vajegozini, 2009; 38]. Шунингдек, Эрон географик жиҳатдан катталиги, бу ўлканинг турли нуқтасида турли миллат ва элат вакиллари яшашлари ҳамда улар гаплашган ва сўзлашаётган тил ҳам форс тилининг ўз сўзи ҳисобланиши борасида Йўриқномада мулоҳазалар баён этилган. Шунинг учун ҳам паҳлавий, курд,



оромий тилларида мавжуд бўлган сўзлардан янги маъно ҳосил қилувчи термин ясаши айни муддао эканлиги белгиланган. Бу эса юқорида тилга олинган ўз қатлам тушунчасини изоҳлайди.

Ўз қатлам лексикаси ўзлашма қатлам лексикасига нисбатан ажратилади. Баъзида эса ўз қатлам сўзлар иштирокида изофий бирикма шаклидаги терминларни ҳам учратиш мумкин. Шунга кўра, ўз қатлам терминларига асл форсий туб, асл форсий ясама ҳамда бирикма терминлар таркибида келтирилган асл форсий бирикма терминлар киритилди. Улар этимологик жиҳатдан асл форс тилига мансуб бўлган сўзлар (терминологияда термин вазифасини бажаради) ҳисобланади. Асосан, форсий сўзлардан ясама ва бирикма терминлар яшаш сермахсул ҳисобланади. Масалан: **ايستگاه** – *istgāh* ‘бекат’ термини. Мазкур ҳолатда **ايستگاه** – *istgāh* ‘бекат’ термини **ايستادن** – *istādan* ‘тўхтамоқ’ феълининг ХЗН **ايست** *ist* ва **گاه** – *gāh* жой номини билдирувчи исмий яримаффиксдан ҳосил қилинган бўлиб, “ҳар қандай автоулов ҳамда йўловчиларнинг тўхташ жойи” маъносида форс тили лексикаси таркибида ишлатилади. Мазкур сўзнинг терминга айланиш жараёнини кузатинг: **ايستگاه** – *istgāh* → лексик сўз → автотранспорт термини → темир йўл термини. Қуйида эроний тиллар луғат таркибидаги сўзлардан ташкил қилинган терминлар келтирилади:

**Паҳлавий сўзлардан:** **تونل روزن دار** – *tunel-e rowzandār* {ročanak} – ‘вентиляторли туннель’; **گهواره** *gahvāre* {gahvarak} – ‘брус’;

Баъзи ўринларда паҳлавий тилига хос бўлган яримаффикслардан ҳам фойдаланилган. Масалан: **تمام شهپر** *tamāmšahpar* ‘яхлит элерон’. Мазкур қўшма терминнинг бош сўзи икки паҳлавий сўзнинг қўшилмасидан ҳосил қилинган, яъни: **شهپر** – *šahpar* **شه** – *šah* {паҳлавийда–šāh} (исмий яримаффикс) ва **پر** – *par* {паҳлавийда–part} ‘кушнинг қаноти’.

**Оромий сўзлардан:** Масалан: **چلیپا** – *čalipā* термини форс тилининг ўз сўзи ҳисобланиб, Муиннинг луғатида мазкур сўзнинг бир неча маънолари келтирилган:

1. Исо Масих осиб қўйилган хоч;
2. Христианлар бўйнига такадиган хоч;
3. Зулф.

Форс тили лексикаси таркибида мазкур сўз, асосан, † кўринишига эга хоч, яъни ‘кесишув’ маъносида қўлланилади. **چلیپا** *čalipā* ‘кесишув’ термини форс тили лексикасидан терминологияга ўтганида махсус ‘крестовина’ (‘йўналишни кўрсатиб турувчи қурилма’) маъносини бермоқда.

**Курд сўзларидан:** **لوله** – *lule* ‘трубопровод’.

Кўриб ўтилганидек, тилда мавжуд сўзларга янги маъно юкланиши оқибатида янги бир соҳа термини юзага келмоқда. Бу эса форс тили лексикасидаги мавжуд сўзларнинг янги маъно оттенкаларининг пайдо бўлишини тақозо қилади. Аслида, сўзларда лексик маъно ўзгаруви тил ифода воситасининг бойиш усулларида энг муҳими саналади.

Шу нуқтаи назардан, форс тилида ҳам сўз ўзлаштириш ва янги сўз яшаш усулларида ташқари, мавжуд сўз маъносининг ўзгаруви лексик фонднинг бойишини таъминлаган. Умумлексик сўз маълум бир тушунчани ифодалаган бўлса, эндиликда унга янги маъно юкланиши оқибатида бошқа тушунчани

англатади. Шу ўринда сўз маъносининг “торайиши” ва “кенгайиши” масаласи юзага келади. Бу борада Л. С. Пейсиков сўз семантик майдонининг силжишида қуйидаги усуллар устувор эканлигини қайд этади: а) полисемиянинг ривожланиши ва омонимларнинг юзага келиши; б) сўз семантик ҳажмининг торайиши ва тушунчанинг барқарорлашуви; в) сўзни эвфемистик ҳолатда қўллаш; г) семантик қисқариш [Пейсиков Л., ۳۶ ; ۱۹۷۵].

*Полисемиянинг ривожланиши ва омонимларнинг юзага келиши ҳолати.* Масалан, форс тилида *گزر* – *gozar* сўзи, аслида, *گذشتن* – *gozaştan* ‘ўтмоқ’, ‘юрмоқ’ феълининг ХЗН бўлиб, ‘гузар’, ‘ўтиш йўли’ маъносида умумий лексика таркибида ишлатилади. Бу сўз транспорт терминологиясига кўчганда ‘вагон йўлаги’ маъносини ифодалайди. Демак, аввалдан форс тили таркибида мавжуд бўлган сўз эндиликда терминлик вазифасини ҳам ўтамоқда.

Бу каби сўзлар форс тили терминологиясида анча фоизни ташкил қилади. Чунки шу кунгача умумлексик фонд таркибида бўлган маълум сўз янги маъно қирраларини ўзида ифодалаб, янги сўз (термин) сифатида ўзини намоён қилмоқда. Масалан, *گزرگاه* – *gozargāh* сўзи. Умумий лексик маъноси (кейинчалик–УЛМ, деб юритилади) ‘ўтиш жойи’, терминологик маъноси (кейинчалик–ТМ, деб юритилади) ‘переезд’ (*گزر* – *gozar* *گذشتن* – *gozaştan* феълининг ХЗН ва *گاه* – *gāh* яриммаффикс).

Шуни қайд этиш керакки, транспортга оид терминларнинг аксарият қисми бирикма терминлардан иборат. Бу бирикмалар таркибидаги БС ёки ТСлардан бири умумлексикада бошқа маънода ва терминологияда яна бошқа маънода қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатлар талайгина. Уларни комплекс таҳлил қилиш яна бир тадқиқотни талаб қилади. Қуйида бирикма терминлар таркибида келган сўзларнинг семантик майдони таҳлили амалга оширилади.

Форс тили лексик таркибида *تپه* *tape* сўзи ‘тепа’, ‘тепалик’ маъносида қўлланилади. Унинг терминологик маъноси – ‘кўтарма’. Бу термин темир йўл терминологиясида йўлсозлик соҳасида тез-тез ишлатилади. Худди шундай: *جدایی* – *judāyi* – УЛМ – ‘ажратилган’, ‘айри’ ТМ – ‘ажратилган вагон’ ва *منگنه* – *mangane* – УЛМ – ‘(бирор босим натижасида) қолдирилган из’, ТМ – ‘штамп’ терминлари ҳам.

Паҳлавийда мавжуд бўлган сўзлар бугунги кунга қадар график мослашув босқичини босиб ўтган бўлсада, ўзининг маъносини сақлаб қолган ва форс тилининг ўз сўзи ҳисобланади. Масалан, паҳлавийда {*asuwār*} сўзи ҳозирда *سواره* – *savāre* шаклида ишлатилади. Бу сўз билан боғлиқ терминга диққат қилинг: *سواره رو* – *savārerow* – УЛМ – ‘бирор от-уловга минмоқ’, ТМ – ‘улов йўлаги’, ‘тротуар’;

{*sučan*} паҳлавий сўзи ҳисобланиб, ҳозирда форс тили лексикаси таркибида қўлланидиган *سوزن* – *suzan* ‘нина’, ‘кўрсаткич’ сўзининг ТМ – ‘стрелкали ўтказгич’ ҳисобланади. График кўринишини ўзгартирган бўлсада, ўзининг паҳлавийдаги маъносини йўқотмаган сўзлардан бири {*ozinak*} – *هزینه* – *hazine* дир. Таркибида ушбу сўз иштирок этган терминни келтирамыз:

*هزینه سبک سازی* – *hazine-ye saboksāzi* – УЛМ – ‘сарф-харажат’, ‘кирим’, ТМ – ‘лихтерли йиғим’.

Бундан ташқари, метафоранинг ташқи кўринишга ўхшатиш орқали ясалган усули мавжуд. Бу туркумга оид қуйидаги транспорт терминлари учради:

*کفی* – *kafi* – УЛМ – ‘қўл’, ‘кафт’, баъзида ‘оёқнинг таг қисми’ ва ТМ – ‘тиркама’



(қайиқларни ташиш учун тиркама сифатида фойдаланилади);

باشنه دکل *pāšne-ye dakal*. Паҳлавийда *pašnak* кўринишида ишлатилган. УЛМ – ‘пошна’, ‘оёқнинг таги’, ТМ – ‘степс’, ‘мачта поғонаси’;

دُم سازه *dum-e sāze*. Паҳлавий тилида *dumb* шаклида ишлатилган. УЛМ – ‘хайвон думи’, ТМ – ‘вертолётнинг дум қисми’.

Ушбу мисолларда мавжуд бўлган сўз маъносининг семантик майдони кенгайганлигини, инсон ёки ҳайвонларнинг тана аъзоларига нисбат берилиб ясалган терминлар, айтилган дамда транспорт терминлари ҳисобланишини ҳам қайд этиш ўринли.

Бу каби терминлардан ташқари, ранглар номи ҳам термин яшашда иштирок этиши полисемия ҳодисасининг кенгайишига ўз таъсирини ўтказган. Масалан:

سیاهه بارگیری *siyāhe-ye bārgiri* {*siyāk*} – УЛМ – ‘қора ранг’, ‘хабаш’, ТМ – ‘юк рўйхати’.

Бу ерда سیاه – *siyāh* ‘қора ранг’ сўзи {паҳлавийда – *siyāk*} ҳозирги кунга қадар ўз семантикасини сақлаб қолган бўлиб, мазкур бирикмада “рўйхат” маъносида қўлланилмоқда.

Сўз семантик ҳажмининг торайиши ва тушунчанинг барқарорлашуви. Ушбу ҳолатни олим Л. С. Пейсиков “сўз ҳажмининг семантик гипертрофияси”, – деб атайди. Яъни, бунда маълум сўзнинг маъноси катталашиб кетади. Яъни “хос” сўз “умумий” сўзга айланади. Масалан, شمشیرک – *šamširak* сўзи. Бу сўзнинг УЛМ – ‘дастак’ (شمشیر – *šamšir* ‘килич’, ‘шамшир’, ‘дастак’) ва ТМ – ‘тормоз дастаси’.

Худди шундай پهنگ *pahnak* сўзи. Паҳлавий тилида {*pahn*} қўлланилган бу сўзнинг УЛМ – ‘тизимча’, ‘лента’ (پهن – *pahn* ‘қисм’, ‘кенглик’), ТМ – ‘лангарнинг лапаси’.

Шу каби терминларни келтирамыз:

آمدگاه – *āmādgāh* – УЛМ – ‘тайёрлов’, ТМ – ‘депо’;

بارگنجی – *bārgonji* – УЛМ – ‘юк сақлаш’, ТМ – ‘контейнер’.

Семантик қисқариши. Маълумки, гап қурилмасида гап бўлақларининг синтагматик муносабати жумла семантикасига ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Худди шундай, сўз ёки термин бўлақларидан бирининг тушиб қолиши унинг семантик ҳажмига таъсир қилмайди, ўша сўз ёки терминнинг юкини бошқа бир бўлақ ўз зиммасига олади. Бу ҳолат тилшуносликда эллипсис ҳодисаси билан изоҳланади. Бу каби терминларга диққат қилинг:

پهنگه گذر – *pahnegozar*. УЛМ – ‘кенглик’, ТМ – ‘парвоздаги бурилиш кенлиги’.

Тўлиқ бирикма: پرواز پهنگه گذر *parvāz-e pahnegozar*;

گواهینامه – *govāhināme*. УЛМ – ‘шоҳид’, ‘гувоҳ’, ТМ – ‘квалификация гувоҳномаси’. Тўлиқ бирикма: گواهینامه شایستگی – *govāhināme-ye šāyestegi*.

Умумлексик сўзнинг терминлашуви тилда полисемия ҳодисасининг ривожланишига замин яратади. Аммо улар махсус терминологик сатҳда бир маънони англатади.

## ХУЛОСА

XX асрда барча тилларда бўлгани каби, форс тилида ҳам лексика таркибида ўзлашма терминлар сони ортди. Бу ҳолат билан курашиш, тил софлигини сақлаб қолиб, форс тилининг мавқеини кўтариш мақсадида Эронда “Форс тили ва

адабиёти академияси” тузилиб, махсус йўриқнома (Низом) ишлаб чиқилган.

Бу йўриқнома форс тилининг софлигини сақлаб қолишга интилишнинг бир кўриниши сифатида қатор қоидаларни илгари сурган ва улар бўйича терминлар таклиф қилган. Унга мувофиқ, аввалдан тилда мавжуд бўлган, форс тилининг ўз сўзи ҳисобланган, ҳозирги кунда пассив нутқ қатламига айланган сўзларни қайта жонлантириш ва шунинг эвазига унга янги маъно оттенкаларини юклаш орқали термин яшаш вазифалари кўрсатилган. Натижада, қатор ўз қатламга оид терминлар яшашнинг уйдасидан чиқилган.

Шунингдек, Академия томонидан қадимги ва ўрта форс тили элементларидан фойдаланилган ҳолда терминлар ясалган. Хусусан:

-ترا *tarā*- кўмакчиси билан 9 та;

-فرا *farā*- кўмакчиси билан 10 та;

-فرو *foru*- кўмакчиси билан 4 та;

-ابر *abar*- кўмакчиси билан 5 та бирикма терминлар ҳосил қилинган.

Бу кўмакчилар, фақат транспорт терминларини яшашда ишлатилади.

Лексик ҳамда терминологик тизимдаги бу каби силжишлар ISO 704 Халқаро стандартида “транстерминлашув”, деб номланган. Демак, Академия Йўриқномасидаги “тилда мавжуд сўзларнинг терминлашуви” масаласи юзасидан ўрнатилган тартиб Халқаро стандартнинг А.3, 4. бандига мувофиқ келади.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

4. Terminology work — Principles and Methods // International Standard ISO 704. Second edition 2000-11-15. Reference number ISO 704:2000 (E).
5. Tackallou S. H. Evaluation of Persian Academy approved genetics terms acceptance in upper graduate user population. Journal of Paramedical Sciences (JPS). Spring 2012 Vol.3, No.2 ISSN 2008-4978.
6. Arabadjan Z.A. Iran: vlast, reformi, revolyusii (XIX-XX vv.). –M.: Nauka, 1991 [Iran: power, reforms, revolutions (XIX-XX centuries). –M.: Nauka, 1991. P.98].
7. Ivanov M.S. Ocherk istorii Irana. – L.:1952 [Essay on the history of Iran. –L.: 1952].
8. Danilenko V.P. Lingvističeskij aspekt standartizacii terminologii. –M.: 1993 [Linguistic aspect of standardization of terminology. –M.: 1993.].
9. Lotte D.S. Voprosi zaimstvovaniya i uporyadicheniya inoyazichnikh terminov i terminoelmentov. M., 1982 [Questions of borrowing and streamlining foreign terms and term elements. M.1982].
10. Peysikov L.S. Leksikologiya sovremennogo persidskogo yazika. – M.: Izdatel'stvo MGU, 1975 [Lexicology of the modern Persian language. – M.: MSU Publishing House, 1975].
11. Peysikov L.S. Ocherki po slovoobrazovaniyu persidskogo yazika. – M.: Izd-vo MGU, 1975 [Essays on the word formation of the Persian language. - M.: Publishing House of Moscow State University, 1975].
12. Osul va zavabet-e vajegozini “hamrah ba sharh-o touzihat” vayrash-e sevom, farghangestan-e zaban va adabiyat-e farsi. Xordad, 1388 (2009) [Principles and Functions of the Word "Plan and Design" with Third Voice, Language Flow and Working Literature 2009].
13. Farghangestan-e Iran. Vajeha-ye naw k eta payan-e sal-e 1319 (1940) dar farghangestan-e Iran pazirofte shod-e asf. – Tehran, chopxone-ye “taban”, 1319 (1940) [Academy of Iran. New words accepted in the Iranian Academy until the end of 1319. - Tehran: Taban Printing House, 1319].